



2019 йил 20 июль

№ 281/5-42

Термиз шаҳри

**Сурхондарё вилоятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизими асосида олиб борилаётган ишлар аҳволи тўғрисида**

Ўтган давр мобайнида, вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида ички ишлар, давлат ва нодавлат идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, **вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларда жиноятлар кескин камайишига эришилган.**

Жумладан, умумий жиноятлар 22,2 % (1005-782), жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар 41,8 % (716-417), қасддан одам ўлдириш 10,0 (10-9), оғир тан жароҳати етказиш 58,6 (29-12), номусга тегиш 25,0 % (4-3), талончилик 50,0 % (4-2), фирибгарлик 45,9 % (146-79), товламачилик барқарорлашган (5-5), ўғирлик 62,4 % (221-83), безорилик 37,5 (40-25), одам ўлими билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаси 1,5 % (65-64), қасддан баданга энгил шикаст етказиш 47,6 % (42-22), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш 63,0 % (27-10) га ва ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш 15,4 % (13-11) камайган.

Шунингдек, муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 64,6 % (99-35), вояга етмаганлар жинояти 7,4 % (27-25), маст ҳолатдаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 16,7 % (6-5), аёллар жинояти 4,9 % (82-78), жамоат жойларида содир этилган жиноятлар 19,0 % (42-34) га камайган.

Бироқ, бу борада йўл қўйилган айрим хато, камчилликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар айрим йўналишларда жиноятларнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, ўта оғир жиноятлар **Термиз шаҳрида 75,0 фоиз (4-7)га, Термизда 100 фоиз (4-8)га, Ангор ва Бойсунда 100 фоиз (0-1)га, Жарқўрғонда 100 фоиз (0-2)га, Деновда 42,9 фоиз (7-10)га, Сариосиёда 200 фоиз (1-3)га, Транспорт ХТБда 100 фоиз (1-2)га ошиши ҳисобига вилоят кўрсаткичи 30,0 фоизга (30-39) 9 тага ошган.**

Шундан, оғирлари Термиз шаҳрида 75,0 фоиз (21-32)га, Термизда 180 фоиз (5-14)га, Музработда 80,0 фоиз (5-9)га, Жарқўрғонда 100 фоиз (3-6)га, Шўрчида 28,6 фоиз (7-9)га, Деновда 5,6 фоиз (18-19)га, Сариосиёда 20 фоиз (5-6)га, Қизирикда 600 фоиз (1-7)га, Қумқўрғонда ва Олтинсойда 250 фоиз (2-7)га **ошиши ҳисобига вилоят кўрсаткичи 38,2 фоиз (102-141) 39 га тага ошган.**

Қасддан одам ўлдириш вилоятда 10,0 % (10-9) га камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида 100 % (0-1)га, Термизда 100 % (0-2) га, Деновда 50,0 % (2-3) га ва Олтинсойда 100 % (0-1) га **ошган.**

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш вилоятда 58,6 % (29-12) га 17 тага камайган бўлса-да, биргина Олтинсойда 100 % (0-2) га ошган.

Номусга тегиш вилоятда 25,0 % (4-3) га, 1 тага камайган бўлса-да, биргина Қумқўрғонда 100 % (0-1) га ошган.

Босқинчилик вилоятда барқарор қолган (1-1) бўлсада, биргина Музработда (0-1) содир этилишига йўл қўйилган.

Талончилик вилоятда 50,0 % (4-2) га, 2 тага камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида 100 % (1-2) га ошган.

Фирибгарлик вилоятда 45,9 % (146-49)га 67 тага камайган бўлса-да, Музработда 75,0 % (4-7) га, Қумқўрғонда 66,7 % (3-5) га ошган.

Ўғирлик вилоятда 62,4 % (221-83) га 138 тага камайган бўлса-да, бирор бир шаҳар ва туманда ошмаган.

Хонадон ўғирлиги вилоятда 59,7 % (72-29) га 43 тага камайган бўлса-да, бирор бир шаҳар ва туманда ошмаган.

Мол ўғирлиги вилоятда 54,8 % (31-14) га 17 тага камайган бўлса-да, Музработда 50,0 % (2-3) га ва Қумқўрғонда 50,0 % (2-3) га ошган.

Транспорт воситасини олиб қочиш вилоятда 100 % (0-2) га 2 тага ошган бўлиб Денов ва Шўрчи туманларида 100 % (0-1)га ошган.

Безорилик вилоятда 37,5 % (40-25) га 15 тага камайган бўлсада, Шерободда ва Олтинсойда 100 % (0-2) га ва Сариосиёда 50,0 % (1-2) га ошган.

Вилоятда жами 737 нафар шахслардан, жорий йилда 388 нафарига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, Ангор тумани (42-19) 23 нафар Деновда (190-127) 63 нафар, Шўрчида (34-22) 12 нафар, Термиз шаҳрида (104-36) 68 нафар, Термизда (35-22) 13 нафар, Жарқўрғонда (46-23) 23 нафар, Олтинсойда (45-28) 17 нафар, Шерободда (43-24) 19 нафар, Қумқўрғонда (38-26) 12 нафар, Узунда (40-35) 5 нафар, Музработда (32-19) 13 нафар, Сариосиёда (65-38) 27 нафар, Қизирикда (9-5) 4 нафар ва Бойсунда (14-11) 3 нафар шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилмаган.

Жиноят қидирув соҳасида 8 та жиноят фош этилмасдан қолган. Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида жиноят содир этиб, қидирув

эълон қилинган 574 нафар шахсдан 114 нафари ушланган бўлса, 460 нафари ушланмаган.

Бундан ташқари, Шеробод туманида 8 нафарга (15-23), Узун туманида 2 нафарга (34-36) ошишига йўл қўйилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойи давомида доимий яшаш манзилларига узоқ муддатдан 19260 нафар фуқаролар қайтиб келган. Жами қайтиб келганлар орасидан 17319 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 30 нафари турли юқумли касалликларга чалинган, шулардан 12 нафари ОИТС, 17 нафари СИЛ, 1 нафари бошқа юқумли касалликларга чалинганлиги аниқланган. Лекин, қайтиб келган шахслардан 1941 нафари (10,1 %) тиббий кўрикдан ўтказилмаган. Қайтиб келган шахсларнинг 4536 нафар (23,6 %) иш билан таъминланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Сатволдиевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилоятида жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари ҳамда масъул идора ва муассасалар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлансин.

3. Термиз шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи подполковниги Ў.Т.Тоғаев, Олтинсой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник А.З.Мирзаевнинг жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти “Қониқарсиз” деб топилсин.

4. Термиз шаҳар ҳамда туманлар ҳокимлари билан биргаликда маҳаллалардаги ташкил этилган жамоатчилик назорати масканлари, ички ишлар бўлимларининг таянч пунктлари ҳамда қўрғон милиция бўлинмаларининг самарали фаолият кўрсатиш учун хизмат хоналарининг зарур мебеллар, оргтехника ва алоқа воситалари билан таъминлаш, қишки мавсумга тайёргарлиги, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда электр ва иссиқлик энергияси билан тўлиқ сифатли таъминлаш чораларини кўрсинлар.

5. Маъмурий ишлари бўйича вилоят суди раиси (З.Аллабаев)га:

вилоятда маъмурий ҳуқуқбузарларнинг ошиб кетишини инобатга олиб, жамоатчилик иштирокида сайёр суд мажлисларини ўтказиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатларни ҳафтанинг ҳар куни кўриб чиқилишини жорий этиш вазифалари юклатилсин.

6. Вилоят прокурори У.Қосимов ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Сатволдиевларга:



муқаддам судланганлар, узоқ муддатга бориб қайтган шахслар, шартли озод этилганлар, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларни иш билан таъминлаш чораларни кўриб бориш;

қидирувда бўлган диний экстремистик оқим аъзоларига нисбатан қидирув ишларини ташкиллаштиришда жойлардаги терроризм ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

саноат, банк молия-кредит тизимида, ўрта ва кичик бизнес ҳамда ижтимоий соҳаларда давлат бошқарув ҳуқуқини муҳофаза этиш, назорат ва ҳокимият идоралари ходимлари томонидан содир этилаётган порахўрлик, товламачилик, ўзлаштириш, фирибгарлик ҳамда бошқа иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш мақсадида раҳбар ходимларни жиддий огоҳлантириб бориш;

кўшни давлатлардан вилоят ҳудудига кириб келаётган ва транзит қилинаётган наркотик моддаларни аниқлаш мақсадида, чегара блок постлари, мунтазам ЙПХ масканларига бириктирилган мутасадди раҳбарлар ва ходимларнинг масъулияти ошириш;

одам савдоси билан жабрланган фуқароларнинг мурожаатлар бўйича тўлиқ ва ҳолисона текширувлар ўтказилиши алоҳида назоратга олиш;

ҳар ойда жиноятчиликка қарши курашиш, уларни фoш этиш, қидирувдагиларни ушлаш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш ва бошқа оғир турдаги жиноятларни фoш этиш борасида прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига индивидуал баҳо бериб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича комиссиянинг Сурхондарё вилояти бўйича Ҳудудий комиссияси раиси Ш.Арипова зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиқов